

Назорат ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш воситалари монтажида тайёргарлик ишлари

Назорат ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш тизимларини монтажида тайёргарлик ишлари ва монтажи лойиҳанинг ишчи чизмалари бўйича бажарилади: автоматлаштиришнинг функционал схемалари, щит ва пультларнинг эскизи ва чизмалари, ташқи электр ва қувурли уланиш схемалари, автоматлаштириш воситаларини жойлашиш плани, электр ва қувурли тармоқларнинг трассасининг чизмалари.

Функционал автоматлаштириш схемаларида технологик қурилмалар, коммуникациялар, бошқариш органлари автоматлаштириш воситалари ва элементлари ва уларнинг ўзаро уланишлари шартли белгиларда кўрсатилади.

Схемада технологик қурилмалардаги ростловчи органлар, босимли тўсиқлар, вентиллар, бирламчи асбоблари, тармоқдан маълумот олувчи воситалар кўрсатилади. Ўқиш қулай бўлиши учун функционал схемалардаги асбоблар ва аппаратларни занжирли рақамланади. Агар бирор асбобнинг ёки тармоқ участкасининг тартиб рақами 10 бўлса, унга тегишли барча элементлар 10^a , $10^b \dots 10^{-1}$; $10^{-2} \dots$ деб белгиланади. Бу тартиб рақами лойиҳанинг барча хужжатларида сақланади.

Щит ва пульта́рнинг умумий кўриниши чизмаларида уларнинг спецификацияси берилади. Щитдаги барча ўрнатилган аппаратлар рўйхати берилади. Зарур бўлса, уларнинг кесимлари берилади.

Ташқи электр ва қувурли тармоқлар схемаларида щитлар, автоматика воситалари, датчиклар, ростловчи органлар, бажариш механизмлари ва бошқа элементларнинг ўрнатилган жойларига тортилган тегишли тармоқлар кўрсатилади. Схемаларда шартли белгиланишлар қўлланилади. Улар принципиал ёки ўрнатиш схемалари турли шаклларда бўлиши мумкин. Схемаларда шартли символлар бўлган наъмуна олиш кундирмаси, бирламчи асбоблар, щитлар, пульта́р, назорат пунктлари, рослаш, сигнализация ва таъминот пунктлари курсатилади.

Уларнинг монтаж схемасида белгиланган тартиб рақамлари ёзиб куйилади. Барча шартли белгиланишлар жадвал шаклида келтирилади.

Автоматлаштириш воситалари, электр ва қувурли тармоқлар жойлашиш планида қуйидагилар келтирилади:

- асосий бино, технологик қурилмалар, саноат майдончаларининг контурлари, асосий технологик қурилмалар;

- технологик агрегатлар, каркас, арматуралар, деворлар, шифт ва колонналар, траншеялар, туннел ва эстакадаларда, қувурларда автоматика воситаларига бажарилган электр ва қувурли тармоқлар, кабеллар;

- деворлардан қувурли электр тармоқларнинг ўтиш жойлари.


- технологик қурилмаларда ва тармоқларда ўрнатилган бирламчи асбоблар, ростловчи органлар, назорат-ўлчов асбобларининг сезгир органлари (элементлари);

- бино иншоот деворларида, технологик агрегатлар каркасларида щитлардан ташқарида ўрнатилган асбоблар, ростловчилар, бажариш механизмлари, электр аппаратлар ва бошқа қурилмалар;

- щитлар, пультлар, термоэлектрон термометрлар уланиш жойлари уланиш қутилари.

Схемаларда монтаж материаллари ва жиҳозлари рўйхати берилади.


ДАТЧИК МАССОВОГО РАСХОДА ВОЗДУХА (ДМРВ)



Блок преобразования
измерительный БПИ-01.1

Датчик расхода ДРС.3

Направление
потока




Контролируемый трубопровод

Сеть ~220В,
50 Гц

Вых. в ТМ




Производство газового оборудования





Насос
Датчик давления
Реле аварии
Давление выше, ниже нормы

СЕТЬ ~380В, 50Гц

Принципиальная электрическая схема для откачки воды из емкости







*ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН
РАХМАТ!*